

**–ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ҲАМЗА КАМАЛОВИЧ

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТДА ҒАЙРИТАБИЙ
ТИМСОЛЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 821.512.1:398(5)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Алламбергенов Ҳамза Камалович Қадимги туркий адабиётда ғайритабиий тимсоллар таракқиёти.....	3
Алламбергенов Ҳамза Камалович Эволюция сверхъестественных символов в древнетюркской литературе.....	25
Allambergenov Khamza Kamalovich The development of abnormal symbols in ancient turkic literature.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ҲАМЗА КАМАЛОВИЧ

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТДА ҒАЙРИТАБИЙ
ТИМСОЛЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.1.PhD/Fil298 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Раҳмонов Насимхон Асқарович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эшонкулов Жоппар Солиевич филология фанлари доктори Қаюмов Олим Садириддинович филология фанлари номзоди
Етақчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кuni тарқатилди. (2019 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

Л.Худайкулова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон дунё фольклоршунослигида қадимги ёзма манбалардаги бадиий-эстетик архетиплар ва уларнинг поэтик образлар генезисидан тутган ўрнини палеофольклористик жиҳатдан тадқиқ этиш тамойили кучайди. Натижада, илк бадиий тафаккурнинг синкретик ҳолати адабий жараённинг шаклу шамоийли ва мазмун-моҳиятини кўрсатиб берадиган асосий омил эканлиги аниқланди. Мифологияда инсониятнинг олами илмий билишга бўлган интилиши акс этганлиги далиллангач, қадимги бадиий тафаккурнинг ўзига хослиги ва унинг илк ўрта асрлардаги адабий жараёндан фарқини кўрсатадиган асосий хусусиятлар ғайритабиий тимсоллар талқинида ўз ифодасини топганлиги маълум бўлди. Зеро, ёзма ёдгорликлардаги ғайритабиий тимсоллар катта ижтимоий ва бадиий маънога эга бўлиб, ибтидоий ва қадимги давр бадиий тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Аждодларимизнинг мифопоэтик тафаккури ўз даврининг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти хусусиятларини ўзида ифода этганлигига оид илмий-назарий концепциялар қадимги туркий адабиётдаги мифологик тимсоллар ғайритабиий маъно ифодалашини монографик жиҳатдан тадқиқ этиш имконини берди.

Жаҳон фольклоршунослигидаги ритуал-мифологик мактаб вакилларининг қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларидаги мифопоэтик образлар генезиси, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бадиий тафаккур таракқиётида тутган ўрнини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотларида мифологик тимсолларнинг фольклор, ёзма адабиёт ва тасвирий санъатдаги ифодасини комплекс ўрганишга киришилди. Бунинг натижасида архаик фольклорга хос мифопоэтик кодларнинг бадиий-эстетик образга айланиш қонуниятлари очилди, жумладан, ғайритабиий тимсоллар замиридаги мифологик тасаввурларнинг туб илдизлари, маъно ва вазифалари синкретик характерга эгаллиги аниқланди. Бу эса туркий, шу жумладан, ўзбек фольклоршунослигида ҳам қадимги ёзма манбалардаги мифологик образ ва ғайритабиий тимсолларни халқ бадиий тафаккурининг тадрижий ривожини контекстида тадқиқ қилишда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маънавий кадриятларни тиклаш, айниқса, халқимиз номоддий маданий меросининг ноёб дурдоналарини ўзида жамлаган фольклор анъаналарининг шаклланиш тарихи ва бадиияти масалаларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш жараёни жадаллаштирилди. Зотан, «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор»¹ экани бевосита ва билвосита бизнинг тадқиқотимизга ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётининг қадимийлигини кўрсатувчи мифопоэтик ходисалардан бири – ғайритабиий тимсолларнинг воқеликни образли талқин қилишдаги ўрни ва тадрижий ривожини ҳозирги замон жаҳон

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.

фольклоршунослигининг энг янги илмий-назарий концепциялари асосида тадқиқ этиш адабий ёдгорликларимизни халқаро миқёсда тарғиб қилиш ҳамда халқ ижодидаги анъанавий образларнинг тарихий-генетик асослари ва семантик функцияларини аниқлашга йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сонли Фармони, 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сонли «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сонли «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида, шунингдек, туркологияда ғайритабиий тимсолларнинг мифологик асослари юзасидан алоҳида тадқиқот яратилмаган бўлса-да, мифологик тимсолларнинг семантик ва функционал хусусиятлари юзасидан айрим ишлар яратилган. Хусусан, Ж.Фрээр, Г.К.Юнг, Э.Тайлор, А.Афанасьев, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня, О.М.Фрейденберг, В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский, В.Н.Топоров, Т.Мирзаев, И.В.Стеблева, Ғ.Акрамов, Б.Саримсоқов, Н.Раҳмонов, М.Жўраев, Ж.Эшонқулов, Ш.Турдимов, О.Қаюмов² ва бошқа катор олимларнинг мифологик образлар хусусиятлари,

² Фрээр Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии // Пер. с англ. М. К. Рыклина. – М.: ТЕРРА-Книжный клуб, 2001. – С. 528; Юнг К.Г. Архетип и символ. – М.: Ренессанс, 1991. – С. 81; Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Изд. Политической литературы, 1989. – С. 573; Афанасьев А.Н. Живая вода и вещее слово. – М.: Советская Россия, 1988. – С. 512; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Изд. Художественная литература, 1940. – С. 648; Потебня А.А. Мысль и язык. – Киев, 1993, – С. 192; Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1978. – С. 800; Пропп В.Я. Морфология волшебной сказки, – М.: Лабиринт, 1998. – С. 144; Мелетинский Е.М. Поэтика

илк мифологик образларнинг ғайритабиий хусусиятларни ифодалаши ва рамзий образларга айланиши каби бир қатор жараёнлар ҳақидаги қарашлари эътиборга сазовор.

Ўзбек фольклоршунослигида мифологик образлар ҳақида сўз кетганда, Ғ.Акрамовнинг «Ўзбек мифологияси» номли диссертациясида ўзбек халқ эртаклари мисолида мифологик образлар генезисини очишга ҳаракат қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Рамзий образлар юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида сўз кетар экан, бу борада Ш.Турдимовнинг номзодлик диссертациясини алоҳида таъкидлаш ҳам мақсадга мувофиқ. У ўзбек халқ кўшиқларидаги рамзий образларнинг мифлар билан боғлиқ томонларини ҳам ёритган.

Олимжон Қаюмовнинг номзодлик диссертациясидан ҳам шомонлик афсоналарида сақланган мифологик образларни ҳозирда фолбинлар ғайритабиий тимсоллар сифатида тасаввур қилишларини англаш мумкин. О.Қаюмов номзодлик диссертацияси асосида чоп эттирган рисоласида айрим афсоналар сюжетида бош қаҳрамонга қарама-қарши ҳаракатланувчи мифологик персонажларнинг эпик қаҳрамонга мафтун бўлиш мотиви барча шомон афсоналарига хос адабий ҳодиса эканини ёзади ва барча шомон афсоналари учун муштарак бўлган мотив мифологик образ томонидан эпик қаҳрамонга ҳомийлик мотивини пайдо қилиши ҳақида тўхталди³. О.Қаюмов келтирган афсоналарнинг мифологик персонажларида ғайритабиийлик борлиги кўриниб туради. М.Жўраева ўзининг номзодлик диссертациясида топишмоқлардаги сўз магияси ва табуистик қараш ҳақида сўз юритиб, ўзбек халқ топишмоқларининг яратилишида магик қарашлар муҳим роль ўйнагани ҳақида ёзади⁴. Табулаштириш, эвфемизм мифологик асосга эга бўлиб, ғайритабиий тимсоллар ва деталларнинг пайдо бўлишида муҳим омиллардан бири экани М.Жўраеванинг талқинларидан маълум бўлиб туради.

Тушга муносабатлар таснифида мифологик муносабатни биринчи ўринга қўйган Ж.Эшонқуловнинг нуқтаи назари алоҳида аҳамиятга эга. У туш ва миф муносабатини таҳлил қилар экан, «тушимиз бизга ҳамиша ғайритабиий туюлади, улардаги воқеа ва образларни онгимиз қабул қила олмайди»⁵, дея ғайритабиийликнинг асоси мифда эканига ишора қилади. Ж.Эшонқуловнинг бу қараши маълум маънода ғайритабиий тимсолларнинг илдизига ҳам ишора қилади.

мифа. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – С. 407-408; Топоров В.Н. Миф. Ритуал. Символ. Образ / Исследования в области мифопоэтического. – М.: Директ-Медиа, 2007. – С. 624; Стеблева И.В. Очерки турецкой мифологии. – М.: Восточная литература, 2002. – С. 102; Акрамов Ғ. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 149-157; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 216; Раҳмонов Н. Инсон руҳининг садоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б. 24; Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 183; Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ: Тошкент: Мумтоз сўз, 2014; Турдимов Ш. Ўзбек халқ кўшиқларида рамз: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1986. – Б. 24.

³ Қаюмов О. Ўзбек шомон фольклорининг жанрлар таркиби. – Тошкент, 2006. – Б. 7.

⁴ Жўраева М. Ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 19.

⁵ Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 19.

Фольклоршуносликда, шу жумладан, ўзбек фольклоршунослигида ялмоғиз образининг мифологик асослари ҳақида фикрлар билдирилган. Б.Жуманиёзов «Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи»⁶ номзодлик диссертациясида «ялмоғиз» сўзининг этимологиясига тўхталиб, «ямлаб ютадиган оғиз» дея шарҳлар экан, шубҳасиз, бу тилсимли образда қадимги инончларнинг устуворлигини англаш мумкин. Шунингдек, архаик тафаккурда ялмоғизга мифологик мазмун юклатилган, унинг ташқи қиёфаси ҳам ғайритабиий бўлиб, инсониятни кўрқувга солиб келган образ сифатида аҳамиятлидир.

Умуман, мифга таянган ғайритабиий тимсоллар ҳақида ўзбек фольклоршунослигида бир қатор фикрлар бор. Бизнинг тадқиқотимиз ғайритабиий тимсолларнинг асосидаги мифологик мазмунни, санъат асарларидаги ғайритабиий тимсоллар билан миф ва афсоналардаги ғайритабиий тимсоллар уйғунлигини, архетип образларнинг қадимги туркий адабиётдаги, хусусан, Ирқ битигидаги ўрни ва ролини, мифологик фикрлаш ва образли тафаккур муносабатларини ҳамда сеҳрли эртақлар, дostonлардаги ғайритабиийликнинг ифодаланиш усулларини ва ғайритабиий тимсолларнинг қадимги туркийлар маросим ҳамда удумлари билан боғлиқ томонларини ва бошқа кўп жиҳатларини махсус ёритгани билан диққатга сазовор.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор» кафедрасининг «Ўзбек адабиёти тарихи» ва «Фольклоршунослик масалалари» мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қадимги ва ўрта аср туркий ёзма ёдгорликларидаги ғайритабиий тимсолларнинг тарихий асослари архаик мифология, диний-эътиқодий тасаввурлар, магик характердаги ибтидоий маросимлар ва инонч-эътиқодлар билан алоқадорлигини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғайритабиий тимсолларнинг шаклланиш қонуниятлари, мифологик тасаввурларнинг бу тимсоллар пайдо бўлишидаги ролини ёритиш;

қадимги туркий ёзма ёдгорликларда бадиий фикрлашнинг архаик типи қадимги удумлар ва урф-одатлар билан яхлитлик ҳосил қилганини таҳлил этиш;

қадимги тасвирий санъат асарларидаги ғайритабиий тимсолларнинг туркий фольклор ва қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги ғайритабиий тимсоллар билан функционал-семантик томондан тарихан алоқадорлигини очиб бериш;

⁶ Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 11.

туркий фольклорда ғайритабий тимсолларнинг рамзий маъносини ва архаик фикрлашга оид эканини тадқиқ этиш;

«Ирқ битиги»даги тимсолларнинг ғайритабий хусусиятга эга эканини асослаш;

қадимги туркий ёдгорликлардаги қанотли от, қанотли одам ва бошқа қанотли жонзотлар тимсоли билан боғлиқ маросимлар ва инончларнинг рамзий маъносини очиш;

ғайритабий тимсоллар асосида ўзбек ва қорақалпоқ достонлари ҳамда қадимги туркий бадий тафаккурнинг генетик алоқадорлигини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида барча қадимги туркий-рун ёзма ёдгорликлари, туркий халқлар эпослари, Ўзбекистон ва Қозоғистон худудидан топилган тасвирий ва амалий санъат асарлари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини туркий эпослар ва қадимги туркий ёзма ёдгорликлар, тасвирий ва амалий санъат асарларида архаик қатлам сифатида сақланган ғайритабий тимсоллар остидаги мифологик мазмун, унинг бадий тафаккур тарихидаги ўрни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, семиотик, этнофольклористик, матний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туркий халқларнинг архаик фольклори ва қадимги ёзма ёдгорликларидаги ғайритабий тимсоллар тизими мифология, табиат билан боғлиқ инонч-этиқодлар ва магик характердаги маросимлар асосида келиб чиққан мифопоэтик архетиплар негизида шаклланганлиги исботланган;

қадимги «скиф-сибирь услуги»га мансуб тасвирий санъат намуналаридаги ғайритабий тимсолларнинг архаик типи синкретик характерга эга бўлганлиги аниқланган ҳамда оғзаки эпик анъанадаги мифопоэтик образлар билан функционал-семантик жиҳатдан муштараклиги асосланган;

космогоник, этиологик ва тотемистик мифлар заминида шаклланган образлар таҳлили натижасида ғайритабий тимсолларнинг мифологик асослари рамзлар орқали очиқ берилган ҳамда ғайритабий тимсоллар қадимги туркий адабиётдаги архетипик образларнинг илк намунаси сифатида вужудга келганлиги «Ирқ битиги» мисолида кўрсатиб берилган;

ғайритабий тимсоллар ва мифологик сюжетларнинг тарихий-фольклорий жараён давомидаги эпик трансформацияси сеҳрли эртакларнинг ўзига хос жанрий хусусияти, яъни ғайритабийликка асосланган бадий тасвир усулининг вужудга келишига замин яратганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғайритабий тимсоллар қадимги давр фольклорининг ўзига хослигини кўрсатувчи мифопоэтик ходиса бўлиб, космогоник, этиологик, тотемистик ва культ мифлари заминида шакллангани асослаб берилган;

ғайритабий тимсоллар ўз шаклланиш жараёнида удумлар, инонч-этиқодлар ва урф-одатларга таянгани исботланган;

қадимги туркий ёзма ёдгорликларнинг ёзма адабиёт сифатида шаклланишида ғайритабиий тимсоллар асосий омиллардан бири бўлгани ҳақида назарий хулосалар ишлаб чиқилган;

архетиплар ва ғайритабиий тимсолларнинг генетик алоқалари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг аниқлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий, семиотик, этнофольклористик, матний таҳлил усуллари билан асослангани, ғайритабиий тимсоллар генезиси ва шаклланишини асослашда ёзма ёдгорликлар, туркий эпосларга таянилган ҳолда таҳлил этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар туркий халқлар фольклори, қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги мифологик сюжетлар ва мифологик тимсолларни ўрганишда, туркий мифологияни изчил яратишда муҳим аҳамият касб этади. Ғайритабиий тимсолларнинг генезисини ёритган ушбу тадқиқот ўзбек фольклоршунослиги, туркий мифология, ўзбек адабиёти тарихи, этнография, санъатшунослик фанлари ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қадимги туркий адабиёт ва туркий фольклорнинг тимсоллар тизимида оид умумлашмалар ва материаллардан олий ўқув юртларида фольклоршунослик ва ўзбек адабиёти тарихи бўйича маърузалар ўқишда, магистратура босқичида мифология бўйича махсус курслар ўтишда, турли босқичдаги таълим тизимида дарс машғулоти олиб боришда, ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қадимги туркий адабиётда ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлиш омиллари, халқ оғзаки ижодидаги, амалий ва тасвирий санъат асарларидаги ҳамда ёзма адабиётдаги ғайритабиий тимсоллар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қадимги ёзма ёдгорликларидаги ғайритабиий тимсоллар тизими мифология, табиат билан боғлиқ инонч-эътиқодлар ва магик характердаги маросимлар асосида келиб чиққанлиги ҳақидаги қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2018 йил 28 декабрдаги 17-01/203-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ фольклоридаги ғайритабиий тимсолларни туркий халқлар оғзаки ижодидаги намуналар билан комплекс ўрганиш учун манба яратилган;

қадимги тасвирий санъат асарларидаги ғайритабиий тимсолларнинг туркий фольклор ва қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги ғайритабиий тимсоллар билан функционал-семантик томондан тарихан алоқадорлигини

очиб беришда Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ Миллий музейи экспозициясида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги 2-01/145-сон маълумотномаси). Натижада, музей экспозицияси тасвирий санъат ва фольклорда, ёзма ёдгорликларда мифологик мазмун томондан уйғун келадиган ғайритабиий тимсоллар тўғрисидаги илмий-назарий материаллар билан бойитилган;

қадимги туркий адабиётдаги ғайритабиий (қанотли от, бир кўзли одам, ярми инсон ва ярми илон шаклидаги жонзот каби) тимсолларнинг ёзма адабиётда ва халқ оғзаки ижодида бадиий тафаккур маҳсули эканини далиллаш ва туркий халқларнинг дунёқараши мезонларини белгилашга оид илмий-назарий қарашлари Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Мерос», «Ассалом, Қорақалпоғистон», «Халқ дурдонасидан» сингари телекўрсатув сценарийларини шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 4 апрелдаги 01-02/90/1-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот манбалари ўқувчи ёшларга, талабаларга, олимларга ва бадиий адабиётга қизиқувчи кенг оммага тарғиб этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«**Кириш**»да мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлиш омиллари**» деб номланиб, унинг биринчи фаслида «Ғайритабиий тимсоллар ҳақида айрим кузатувлар» баён этилади, мифологик тимсолларни инсоният қай тарзда қабул қилгани ва бунинг маҳсули ўлароқ юзага келган

ғайритабийликнинг илдизлари тўғрисида сўз юритилади. Зотан, ғайритабий ёки кўрқинчли ходисалар эртақлар, дostonлардаги воқеалар баёнига сингдирилган. Ғайритабий тимсоллар, ўз номидан кўриниб турибдики, одам тасаввурига сиғдириши қийин кечадиган жараён дир. Фикримизга янада аниқлик киритиш учун «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»даги «**Ғайритабий**» сўзининг изоҳига эътибор берайлик: «*Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, сабабини билиб бўлмайдиган, одатдан ташқари*». Мазкур изоҳнинг «сабабини билиб бўлмайдиган, одатдан ташқари» ифодалари айнан биз талқин қилмоқчи бўлган ғайритабий тимсолларни қамраб олади. Ёки **Википедия**дан «Сверхъестественное» сўзига берилган изоҳни кўздан кечирайлик: «**Ғайритабийлик** – дунёқарашга оид категория бўлиб, моддий олам устидан бўладиган ўлчовларни ва табиат қонунлари таъсиридан ташқари фаолиятни белгилаб беради. Булар эса, ўз навбатида, сабабли алоқалар ва узвийлик занжири натижасида юз беради ва реалликка ҳамда унга таъсир этувчи воситаларга нисбатан бирламчидир...».

Миф ва санъатдаги тимсоллар бир хил мазмунда бўлиб, «ибтидоий синкретизм»ни ўзида ифода этганини ана шу яхлитликда кўриш мумкин. Зотан, «санъат ва мифнинг тили битта – рамзларга асослангани»⁷ ғайритабий тимсолларнинг пайдо бўлишига ягона омил эканлигини англаш мумкин.

Марказий Осиё тасвирий санъати ва оғзаки ижодининг қадимги мифологик асосларига манба сифатида Зарўтсойдаги қоятош суратлари намуна сифатида келтирилади⁸. Зарўтсой сурати, Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпелларнинг таъкидлашларича, магик маросим тасвирига бағишланган бўлиб, қадимги тош давридан янги тош (мезолит) даврига ўтиш пайтида яратилган⁹. Ўша давр инсонларининг дунёқараш ва тафаккури маҳсули мазкур суратда сақланиб қолганини ундаги ғайритабий тимсолларда кўриш мумкин. Суратда овчиларнинг узун ва тор кўнғироксимон ёпинчиқ кийиб олган, бўйнилари олдинга чиққан ҳолда тасвирлангани ғайритабий тимсолларга мисол бўла олади. Бу тасвир тувалоқ қушларни эслатади¹⁰ (1.1-расмга қаранг). Эҳтимол, бу қуш инсоният ҳаётида кўрқинчли ёки ваҳший ҳайвон сифатида тасаввур қилинган. Ўз навбатида одамлар овлаб истеъмол қиладиган барча ҳайвонлар ҳам тувалоқ қушдан кўрқувга тушган.

Зарўтсой қоя суратида яна бир ғайритабий тимсол думли одамлар тасвиридир. Бу тасвир ҳам овланадиган ва одамлар истеъмол қиладиган



1.1-расм. Зарўтсой сурати.

⁷ Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б.19.

⁸ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М.: Искусство, 1965. – С. 13.

⁹ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Юкоридаги асар. – Б. 14.

¹⁰ Ўша жойда.

хайвонлар учун кўрқинчли бўлгани боис, кейинги даврларда ҳам анъанавий тимсол сифатида давом этаверган.

Умуман, Ўзбекистон худудида яратилган барча девор ва қоятош суратларидаги ғайритабиий тимсоллар мифологик мазмунини сақлаган ҳолда кейинги даврлардаги санъат асарларида давом этган.

Мифологик мазмунни ўзида ифода этган барча тимсолларда ғайритабиийлик бор. Ғайритабиий тимсолларни ёки ходисаларни одамлар ўз даврида реал, ҳаётда учрайдиган тимсол ёки воқеадай қабул қилганлар. Аслида нарсалар ёки жонзотларнинг кўрқинчли қиёфаси ҳақида одамлар афсоналар тўқиганлар. Бу афсоналар бутун бошли қабилаларни, халқларни ғайритабиий махлуқотлар сифатида тасаввур қилишга ундайди. Жумладан, XIX асрда яшаган машҳур инглиз этнографи Эдуард Тайлорнинг «Ибтидоий маданият» (Первобытная культура) китобида бундай тимсолларга дунё халқлари мифологиясидан, афсоналаридан кўплаб намуналар берилган. Юқорида Зарўтсой қоятош суратидан биз ғайритабиий тимсол намунаси сифатида келтирган тувалоқ қуш, думли одамларнинг ғайритабиий тасвирига монанд бир мисол келтирамиз. Қолаверса, бу ғайритабиий тимсоллар Шарқ адабиётида, жумладан, ўзбек адабиёти тарихида ҳам бор.

Э.Тайлор юқоридаги асарида келтиришича, яъжуж ва маъжужлар (рус, Европа адабиётида Гог ва Магог)га оид мусулмон афсоналарида улар *митти одамлар*, аммо қулоқлари *филнинг қулоқлари сингари* деб таърифланар эканлар. Яъжуж ва маъжужлар сон-саноксиз бўлиб, дунёни харобазорга айлантирар эканлар. Улар яшайдиган ўлка билан Форс мамлакати ўртасида баланд тоғ бўлиб, ҳар иккала томонни битта ўтиш жойи боғлаб турар экан. Александр Македонский Форс мамлакатига бостириб келганда, яъжуж ва маъжужлардан ҳимояланиш мақсадида халқ ундан баланд девор қуриб беришни илтимос қилган эканлар¹¹.

Демак, тасаввур қилишимиз мумкинки, яъжуж, маъжужлар ҳақидаги мифологик тасаввурлар ҳукмрон бўлган даврда реал, бизнинг тасаввуримиздаги инсонлар тимсоли ҳам бўлган. Инсоният яъжуж ва маъжужлардан ҳимояланишни Искандардан илтимос қилган эканлар, бу махлуқотлар халқлар орасида кўрқинчли тимсоллар сифатида тарқалган.

Олам илмий жиҳатдан ўрганилиб, халқларнинг физиологик қиёфалари ҳам аниқлаша боргач, филқулоқ митти одамлар аслида ҳаётда яшамагани маълум бўлган. Ана шундан кейин яъжуж ва маъжужлар халқ оғзаки ижодида ва ёзма адабиётда мифологик тимсоллар сифатида талқин қилина бошланган. Диссертацияда ғайритабиий тимсолларга оид этнографик маълумотлар «Ағайинды екі жігіт», «Жалғыз көзді дәу» каби қозоқ халқ эртакларидаги ғайритабиий инсонлар тимсоллари ва бу тимсолларнинг ибтидоий фикрлаш босқичида архетип тимсоллар сифатида шакллангани таҳлил қилинади. Шунингдек, туркий халқлар эртак ва афсоналарида ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлиш қонуниятларига диссертацияда

¹¹ Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Изд. Политической литературы, 1989. – С.188.

кенг ўрин берилган ва бу тимсоллар мифларнинг маҳсули экани очиб берилган.

Биринчи бобнинг «Ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлишида архетипларнинг роли» деб номланган иккинчи фаслида рамзий ва метафорик тимсоллар архетипларнинг асоси эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Архетип мифологияни назарий жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиладиган тушунчадир. Миф ижод қилиш жараёни архетипларнинг образга ўсиб ўтишидан бошқа нарса эмас¹². Шунинг учун К.Г.Юнг, архетип ҳали образ эмас, балки образлар схемасидир деган қарашни илгари сурганда, мифнинг архетиплар шаклланиши жараёнидаги ролига ҳам эътибор берган эди.

Архетиплар – бутун адабий жараённинг ибтидоси, келгусида адабий турларга ва жанрларга ажралиш тамойиллари ҳам архетиплардан кейинги ходисадир, яъни адабий тур ва жанрларнинг шаклланиши заминида ҳам архетиплар ётади. Жумладан, қадимги туркий ёдгорликларда мавжуд бўлган канотли хайвонлар, ярми инсон ва ярми хайвон шаклидаги жонзотлар, олам дарахти, ер, осмон каби тимсолларнинг дунё халқлари мифологиясида учрашини мисол қилиб келтириш мумкин.

Култигин битиктошидаги Биринчи турк хоқонлигининг ҳукмдорлари Бўмин ва Истами образларига эътибор берайлик. Улар қадимги туркийларнинг тарихи баён қилинган ёдгорликлар таркибида бўлганда ҳам, мифологик мазмун ифодалади, яъни уларда «илк инсоният» тушунчаси сақланиб қолди, реал тарихий шахслар мифлаштирилди.

Осмон ва ернинг пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввур билан Бўмин ва Истамининг тахтга ўтириш воқеаси бирин-кетин юз берган жараён сифатида тушунилгани боис, қадимги турк аждодлари ер ва осмон пайдо бўлгандан кейин яратилган энг қадимги насл сифатида қаралган. Шу боис ҳам тарихий хоқонлар, эпос қаҳрамонлари сингари, архетип образлар сифатида тасаввур қилинган.

Биринчи бобнинг «Туркий халқлар эртақ ва афсоналарида ғайритабиий тимсолларнинг пайдо бўлиш хусусиятлари» деб номланган учинчи фаслида халқнинг хаёлотини ғайритабиийликни пайдо қилгани, инсониятнинг билиш жараёни билмасликдан ривож топгани, борлиқни тўлиқ англай олмаслик эса воқеа-ҳодисаларнинг фантастик талқинини юзага келтиргани ёритилади. Масалан, туркий халқлар, хусусан, Сибирь туркий халқлари оғзаки ижодида ғайритабиий тимсолларнинг барқарор, қадимий хусусиятларини ўзида сақлаган намуналарини кўрамиз. Хакас халқ эртақларидан бири «Сехрли чатхан»даги бир кўзли ёвуз махлуклар тимсоли фикримизга далилдир. Эртақда бир кўзли махлуклар тимсоли асосий ўрин эгаллайди.

Ғайритабиий тимсоллар ва мифлар ўзаро зич боғланган, бири иккинчисисиз пайдо бўлиши мумкин эмас. Шу боис мифологик образлар билан ғайритабиий тимсоллар ўртасига тенглик аломатини қўйиш мумкин.

¹² Аверенцев С.С. Архетипы / Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 1. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 110.

Мифологик образлар шуниси билан диққатга сазоворки, уларда ибтидоий фикрлашнинг ҳар қандай тури – мантикий фикрлаш ҳам, бадий фикрлаш ҳам, аниқ ва мавхум фикрлаш ҳам акс этган. Ибтидоий фикрлаш босқичи эса ўз навбатида, ибтидоий инсоннинг дунёқарашидан иборат. «Ибтидоий инсон ҳам ўзини табиий оламдан ажратиб олмаган, инсоний хусусиятларни табиий объектларга кўчирган, уларга ўз ҳаётини, инсон ҳис-туйғуларини, онгли, маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятини сингдирган».¹³ Бу дегани – инсон атроф-муҳитни шахслаштирган деганидир. Атроф-муҳитни «шахслаштириш» орқали ибтидоий инсонч-эътиқодлар – фетишизм, анимизм, тотемизм каби эътиқод ва қарашлар шаклланади, бу эса ғайритабиийликсиз бўлиши мумкин эмас. Бу фикримизга «Сехрли Чатхан» эртагидаги ҳамма буюмлару жонзотларнинг шахслаштирилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Чатхан ясаган мусиқа асбобидан куй таралганда, отлар кишнаб юборади, сигирлар маърайди, қушлар қанот қоқиб тўхтовсиз учди, даштдаги югураётган ҳайвонлар тўхтаб қолади ва ҳ.к. Бу ҳодисалар ҳам аслида шахслаштиришнинг натижаси, мифологик тафаккурнинг маҳсули, инсонга хос табиий хусусиятларнинг бошқа жонзотларга кўчирилишидир. Зотан, бу шахслаштиришда «ибтидоий» инсон фикрлаш тарзи акс этган бўлиб, ибтидоий даврда инсон ўзи билан ҳайвонот олами ўртасига чегара қўя билмаган¹⁴. Хуллас, мазкур эртақдаги шахслаштириш ғайритабиий тимсоллар пайдо бўлишига ва мифологик тасавурларга асосдир. Ибтидоий даврда «одат»даги ҳолат эртақ яратилган даврда ҳам ғайритабиийлик касб этади. Шунинг учун бир кўзли, қозик тишли, юзлари ўрнида фақат катта оғиз бор махлуқлар тасвирига алоҳида урғу берилган.

Ибтидоий даврда шаклланган ва дунё халқлари фольклорида кенг тарқалган «овчилик сюжетлари» тасвирий санъатда ҳам, мифларда ҳам ўз изини қолдирган. «Овчилик сюжетлари» энг қадимий сюжетлардан бўлиб, табиатга, ҳайвонот оламига магия таъсир натижасида пайдо бўлган. Ярми инсон, ярми жонзотлар ана шу қадимий «сюжет»нинг маҳсули. Дастлаб тасвирий ва амалий санъат маҳсули бўлган бу «сюжетлар» оғзаки ижодга, хусусан, сеҳрли эртақларга тасвирий санъат яратилган даврдаёқ ўтган. «Уруғлар, аждодлар тўғрисидаги мифологик сюжетларни ўзида гавдалантирган»¹⁵ бу тасвирилар инсониятнинг илк бадий тафаккури магия жараёндан узилмаганлигини далиллайди. Азалдан инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлиги, инсоният томонидан табиий оламнинг реал ҳолатда қабул қилингани «инсон + табиий олам» тушунчасини бир нуқтада қарашга сабаб бўлди. Каюмарсинг, турк-мўғул мифологиясидаги Эркил хоннинг инсоният томонидан ғайритабиий қиёфада қабул қилиниши ва бунинг сабаблари диссертацияда афсоналар мисолида ёритилган.

«Халқ оғзаки ижодидаги ва тасвирий санъатдаги ғайритабиий тимсолларда скиф-сибирь ҳайвонот усули» деб номланган иккинчи

¹³ Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – С. 164.

¹⁴ Мелетинский Е. М. Ўша асар. – Б. 164-165.

¹⁵ Трояков П.А. Промысловая и магическая функция сказывания сказок у хакасов // Советская этнография, 1969. № 2. – С. 28-29.

бобнинг биринчи фасли «Қадимги санъат асарларида икки қиёфали тасвирлар ва уларнинг мифологик асослари»ни ўрганишга бағишланган. Унда ёзма ҳамда оғзаки ёдгорликлардаги ғайритабиий тимсолларнинг семантик ва функционал томондан ўзаро яқинлигига оид қарашлар илгари сурилган. «Бу мифологик тимсоллар учун полисемантизм характерлидир. Бу ходиса субъект ва объектнинг, билиб бўладиган олам билан бу оламини биладиган инсоннинг яхлит тасаввур қилиниши билан изоҳланади. Оламини мифологик ўзлаштиришни пайдо қиладиган конкрет фикрлаш шундан иборат эдики, инсон буюмларни ва ходисаларни фақат яқкаликда, умумлаштиришларсиз, ташқи, жисмоний мавжудлиги билан уларнинг сифатига ёриб киришларсиз тасаввур қила олар эди. Биз бундай мифологик тасаввурларни «тимсоллар» деб атаيمиз... Илгариги мифологик фикрлашда буюмнинг «хусусияти» жонли мавжудот, шу буюмнинг қиёфадоши сифатида фикр қилинган эди».¹⁶ Шу нуқтаи назардан баҳоланса, тасвирий санъатдаги икки қиёфали жонзотлар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги ғайритабиий тимсолларнинг ўрнини босган ва эстетик эҳтиёжни қондириб келган. Санъатдаги бу тасвирлар қадимги туркий қавмларнинг бадиий тафаккур имкониятларини ҳам кўрсатади. Қолаверса, бу усулнинг санъатда узок асрлар давомида қўлланиб келингани инсониятнинг, хусусан, қадимги туркийларнинг эстетик тафаккури ривожига ҳам бир далилдир.

Шуниси ҳам борки, бу масала юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган, Дунадан тортиб Ўрдусгача бўлган чўл зонасида истиқомат қилган халқларда скиф-сибирь «хайвонот усули»нинг келиб чиқиши ва унинг тасвирий ҳамда амалий санъатдаги кўринишлари ҳақида китоблар, мақолалар бор. Аммо шунга қарамасдан, масала ҳанузгача мунозаралилигича қолмоқда¹⁷. Ўзбекистонда скиф-сибирь хайвонот усули ҳақида Н.Раҳмоновнинг айрим кузатишлари бор.¹⁸ У қадимги туркий ёзма ёдгорликларда ва «Ўғузнома» достонида скиф-сибирь хайвонот усулининг ўзаро генетик боғлиқлиги жиҳатлари, жумладан, ҳар иккаласида ҳам уч қаватли олам модели¹⁹ ифодалангани ҳақида сўз юритиб, қадимги туркларнинг олам яруслари ҳақидаги тасаввури айнан скиф-сибирь хайвонот усули асосида пайдо бўлганини далиллашга ҳаракат қилган. Шуниси диққатга сазоворки, Н.Раҳмонов скиф-сибирь хайвонот усули «Ирқ битиги»да ўз изини ёрқин қолдирганини далиллашга уринган ва мафкура, дунёқарашнинг яхлитлиги бу усулнинг санъатда ва адабиётда деярли бирлигини кўрсата олган. Бу ёдгорликлардаги мифологик тимсолларнинг

¹⁶ Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1978. – С. 182.

¹⁷ Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. – М., 1951; Руденко С.И. Культура населения горного Алтая в скифское время. – М.–Л., 1953; Руденко С.И. Культура населения Центрального Алтая в скифское время. – М.–Л., 1960; Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи // Советская археология. – М, 1966. – №2. – С. 151-175; Маннай-оол М.Х. К вопросу о происхождении скифо-сибирского «звериного стиля» // Новые исследования Тувы, 2009. № 3. – С. 119-125.

¹⁸ Раҳмонов Н.А. Орхоно-енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дисс. докт. филол. наук. Ташкент, 1991. – С. 45.

¹⁹ Уч қаватли олам модели ҳақида қаранг: Жўрақўзиев Н.И. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда космогоник мифология: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 13.

умумийлиги, тарихий қахрамонларни идеаллаштириш ё уларга мифологик мазмун юклаш орқали олам моделини қадимги турклар ва скифлар қанчалик аниқ тасаввур қилганлари ҳақида ўз қарашларини илгари сурган.

Ўрта Осиёда кўп тарқалган тасвирий санъат асарлари орасида қанотли от, қанотли туя ва бошқа қатор қанотли ғайритабиий жонзотлар кўп учрайди. Бу жиҳатдан «Амударё хазинаси»га мансуб буюмлар диққатга сазовор. «Амударё хазинаси» туркумига кирган санъат асарлари орасида ғайритабиий жонзотлар тасвири мавжуд. Диссертацияда *қанотли от, қанотли йўлбарс ва қанотли шер, қанотли одам, бир кўзли одам* каби ғайритабиий тимсоллар ҳамда дostonлар, афсоналардаги уларга мазмунан уйғун парчалар скиф-хайвонот усули намуналари сифатида таҳлил қилинган.

Қорақалпоқ «Алпомиш»ида от тасвиридаги ўзгачалик ҳам эътиборни тортади. Биз бу ўзгачаликни скиф-хайвонот усулининг бир тури сифатида қараймиз. Есемурат жиров Нурабуллаев вариантыда²⁰ Алпомишнинг оти ғайритабиийлиги билан диққатни тортади:

Дүлдүлдей бар екен аттың ғайраты,
Қаражан қолында өткир полаты,
Хәлекленип атқа бермең жәбирди,
Қолтығында өзбек минген Шубардың,
Кирип-шығып турған екен қанаты.²¹

Ушбу бобнинг иккинчи фаслида «Мифологик персонажларда ғайритабиий ва табиий элементлар ифодаси» ўрганилган. Инсоният яратган ғайритабиий тимсолларнинг, сюжетларнинг тасодифлардан холи бўлиб, узок асрлик бадиий тафаккурнинг маҳсули эканлиги очиб берилган. Таъкидлаш керакки, ғайритабиий тимсолларга ҳамма даврда ҳам бирдай ёндашилган эмас. Бу тимсоллар исломгача бўлган ёзма адабиётнинг, афсоналарнинг бевосита ва билвосита асосий вазифасини ўтаган бўлса, мумтоз адабиётда ижодкорлар ғайритабиий тимсолларга ижодий ёндашдилар, бу тимсоллардан маълум бир мақсадда фойдаландилар. Уларда ғайритабиий ва табиий элементлар ифодаси акс эта бошлади.

Эртақларда жонзотларнинг ёки инсоннинг ғайритабиий пайдо бўлишида кенг тарқалган мифологема – хайвон ёки инсоннинг руҳи мавжуд. Масалан, «Чўпчўкин» ёқут халқ эртагида буқача инсоннинг вазифасини бажаради. Буқача Чўпчўкиннинг ўғли ва қизини бир кўзли одамдан қутқаргач, бир жойга етиб келдилар. Буқача иккаласига: «Менинг пешонамдан битни қидириб кўринглар-чи, у мени еб ташлади, – деди. Улар ўргимчак катталигидаги битни топдилар. – Ана шу битни ўлдир, – деб буқача қизга айтди. Қиз битни ўлдирди. – Энди мен ўламан, – деди буқача. – Ўлма, ўлма! – дедилар бола билан қиз. – Менинг руҳим ўлди, уни сизлар ўлдирдингизлар. Яхшиси, сизларга васиятимни айтай, қулоқ тутинглар! Менинг теримни шилиб олинглар. Сўнгра: «Уй бўл», деб терини ёйинглар. Бош суягимга: «Печ бўл», деб, танамнинг тўрт бурчига: «Тўртта устун бўл», деб, орқа

²⁰ Қарақалпақ фольклори. Алпамыс. Есемурат жиров Нурабуллаев варианты. Жазып алған Рамберген Хожамбергенов (1957 жыл). – Нокис: «Қарақалпақстан», 2007. – Б. 131.

²¹ Ўша манба. – Б. 132.

елкамга: «Хари бўл», деб, юрагим ва жигаримга: «Қора темир итлар бўлинглар» деб, лахта қонимга: «Итнинг емиши бўл», деб, тўртта туёғимга: «Тўртта ётоқхона бўлинглар», деб ерга ташланглар, тери остига кириб ётинглар... Алвидо! – деб буқача жон берибди».

Бу ўринда ҳар бир тана аъзосининг маълум объектга айланиши ходисасида руҳ кўчишини англаш мумкин. Шу билан бирга, буқачанинг ўз тилидан айтилаётган «руҳим ўлди» ибораси диққатга сазовор. Бу ўринда бит буқачанинг руҳини моддийлаштирган, руҳ моддийга айланган. Яна шуни таъкидлаш керакки, руҳ – ҳаётини қудрат, куч-қувватнинг жонлантирилиши, инсон иродасининг қудратидир. Руҳнинг ўлиши – йўқолиши эмас, балки бошқа моддий нарсаларга айланишидир. Руҳ тимсоли, юқоридагидай бошқа ғайритабиий жонзотлар тимсоли сингари, Миср, Бобил, Қадимги Юнонистон мифологиясида универсал мифологема ҳисобланади.²² Руҳ рамзи Жанубий ва Шарқий Сибирь халқларининг аксариятига хосдир. Зотан, эврилишларда моддий ва руҳнинг ўзаро муносабати ётади. Турк халқ эртакларидан «Чамбар диёр» эртагидаги моддий нарсаларнинг инсон руҳини ўзида мужассам этиши бу жиҳатдан диққатга сазовор. Диссертацияда мазкур эртак изчил таҳлил қилинган ва қадимги туркий адабиётдаги тимсоллар билан қиёсланган.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслида «Мифлар ва ғайритабиий тимсоллар муносабати» таҳлил қилинади. Зотан, миф заминидаги ғайритабиий тимсоллар, ўз моҳиятига кўра, ҳамма тур ва жанрларда (қадимги санъатда, фольклорда, ёзма матнларда, удумларда) маъно ва моҳиятини ўзгартирмаган.

Мифологик тасаввурлар туркий халқлар оғзаки ижодида ва қадимги ёзма ёдгорликларда бирдай сақланмаган. Шубҳасиз, кейинги ижод жараёнида мифнинг сақланмаслиги табиий ҳолат. Сехрли-фантастик эртакларда, афсоналарда мифологик тасаввурлар кўпинча мазкур асарларнинг бадиий материалга бирга «тўқилиб кетгандай» бўлади, улар худди «зоҳирий» эмасдай туюлади. Масалан, қадимги туркий ёдгорликлардаги Тангри, йер-суб (ер-суб), йиш (ўрмон) каби бир қатор культларда, илоҳлар, руҳлар тимсолларида шуни кўриш мумкин. Буларнинг ғайритабиийлик касб этиши ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз учун, биз ҳозирги даврдаги қарашлардан тамомила чекиниб, қадимги инсоният бизнинг тасаввуримиздаги реал оламдан бошқа, алоҳида оламда яшагани ҳақидаги тасаввурларини эътироф этишимиз лозим.

Масалан, қадимги туркий ёдгорликлардаги культлар туркий халқлар эртакларида, жумладан, «Бақа малика» ёқут халқ эртагида ҳам бор. Эртакда тасвирланишича, бир бақа малика бор экан. Унинг аравасини тортиб юрадиган ҳайвон сув ҳайвони экан. Бақа улғайибди. Энди унинг аравасини тортиб юрадиган жонзот каламуш бўлибди. Каламуш ўсимлик илдизлари билан озиқланар экан. У шундай яшаб юраверибди. Бир куни малика катта каламушни тутиб олибди. Каламушнинг бурнини тешиб, от қилибди. Малика отнинг устига ўтириб, каламушни аравага қўшилган мол қилиб, қўшиқ айтиб,

²² Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 1. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 443.

хикоя айтиб, хурсанд бўлганича, кўп яхши истак билан сафарга чиқибди. Бақа малика уч оламни айланиб чиқибди, бутун ер юзини кезиб чиқибди. У айланиб юриб, кўшиқ айтибди.²³

Эртақда урғу берилган деталлар – ғайритабиий жонзотлар тимсоли ва уч қаватли оламдир. Юқорида келтирилган ғайритабиий жонзотлар – аравани тортиб юрадиган сув ҳайвони, каламушдан ташқари, уч қиррали ўт, бу ўтдан малика ясаган ёй ва унинг илдизидан ясалган ўқ ҳам ғайритабиий тимсол сифатида моҳиятига кўра, тотемистик мифларни ифода этади. Айниқса, эртақдаги бақа-малика кезиб чиққан уч олам қадимги туркий ёдгорликлардаги, хусусан, «Култигин», «Билга хоқон» ва Енисей ёдгорликлардаги уч қаватли олам билан ҳамоҳанг. Ҳар иккала манбадаги ёқут эртаги ва қадимги туркий ёдгорликлардаги уч қаватли олам ҳақидаги тасаввурларни юқоридаги эртақ тўлдиради.

